


САУДИЯ АРАБИСТОНИ (АЛ-МАМЛАКАТ АЛ-АРАБИЯ АС-САУДИЯ) ОСИЁНИНГ ЖАНУБИ-ҒАРБИДА ЖОЙЛАШГАН ДАВЛАТ. АРАБИСТОН ЯРИМ ОРОЛИНИНГ ТАХМИНАН ИККИДАН УЧ ҚИСМИНИ ВА ҚИЗИЛ ДЕНГИЗ ҲАМДА ФОРС ҚўЛТИҒИДАГИ ҚАТОР ОРОЛЛАРНИ ЭГАЛЛАЙДИ. МАЙДОНИ — 2,1 МИЛЛИОН АҲОЛИСИ — 16 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД. КВАДРАТ ЧАҚИРИМ. ПОЙТАХТИ — АР-РИЁД.



ЭЪТИҚОД ЙЎҚ ЖОЙДА МУСТАҚИЛЛИК БЎЛМАЙДИ



● Убекистонлик меҳмонларни кузатиш пайти.

(Боши 1-бетда).

— Маълумки, Саудия Арабистони Ислам динининг Ватани ҳисобланади. Муқаддас Макка ва Мадина шаҳарлари шу тупроқда жойлашган. Бу мамлакатта ташриф буюрганлар ушбу икки шаҳарга, албатта, қадим ранжида қилишади. Уган кунин ҳаммамиз кўнгилларимизни ихромга алмаштириб, Жидддан Маккага — ҳажга бордик. Ҳатто, Аллоҳнинг уйига ҳам кирдик. (Аллоҳ уйининг олтин эшиклари йилга факат бир марта — Саудия подшоҳи учун очиларкан, холос. Подшоҳ кириб, суғуриб-сидириб, номоз ўқиркан), Марва ва Сафо тепалиқларига кўтарилдик. Мадинада бўлса Мухаммад пайғамбарнинг қабрларини зиёрат қилдик. Бир неча бор номоз ўқидик. Мана энди Тошкентга ҳожий бўлиб қайталаямиз. Шу муносабат билан очик бир савол берсам, кўнглингизга олаёйсизми! — Йўқ, албатта. — Сиз давлат тепасига келганингиздан сўнг Убекистонда ҳукуматнинг динга бўлган муносабати кескин бурниди — диний маросимлар, байрамлар кенг нишонланадиган бўлди, масжидлар сони ошди. Динга нисбатан ўзгаришнинг сабаби нимади? — Сиз менинг динга бўлган олдинги муносабатини қаврдан биласиз! — Билишга-ку аниқ билмайман, ammo илгарилари ҳамма бўғиндаги раҳбарларимиз ҳамто

Худонинг номиниям тилга олишмасди. Жанозага қатнашганим, албатта, шўри қурирди. Ушанга Сиз ҳам нуфузли раҳбарлардан бири эдингиз-да... — Наҳотки ҳамма раҳбарлар ҳам динга тиқтирноғи билан қарши бўлишган деб ўйлайсиз! Тўғри, замона зайли билан европача таълим олганман, лекин ўзимни таълимманки, Худога ишонаман. Уша пайтларим одамларни жанозага қатнашганлари учун жазолаганим йўқ, аксинча, уларга доимо таъкидлардим: «Тўйга бормасликларингиз мумкин-у, жанозадан қолманглар». Ammo очиги, кўпчилик бормасди—улар мансабларини йўқотишдан қўрқишарди. Гарчанд динга бўлган муносабат ҳар кимнинг ўз шахсий иши эса-да, баъзи нарсаларни айтмоқчиман. Бизни етмиш тўрт йил мобайнида «бирлаштириб» турган Москва юракларимиздан Худонинг суғуриб ташлаб, ҳаммамизни Компартияга симиштиришга уринди. Жуда кўпчилигимиз ана шу гоҳинг кулларига айландик. Компартия, яъни ўша сунъий худо кўлагач, анчанис эътиқодсиз бўлиб қолдик (бундан ташқари кўпимизга «катекстик тарбия» ҳам ўзининг қатта таъсирини ўтказди). Эътиқод йўқолган жойда доимо чиркин ишлар рўй беради, меҳр-оқибат, бирлик, биродарлик дарз кетади, ишу турмушда барака бўлмайди. Эътиқодсиз тўлиқ мустанилликка эришадиган ҳам амри маҳол. Имону эътиқодни эса дин шакллантиради.

— Маккаю Мадинага зиёратни орзу қилардингизми! — Бу — ҳар бир мусулмоннинг азалий орзуси. Шу жумладан мөн ҳам дунё мусулмонларининг ушбу умид қилбоғига қадам ранжида қилишни юрагимга туғиб юардим. Ният пок бўлса, у барибир амалга ошеди дейишади-ку! Ва мөн мусулмонликнинг энг муқаддас бурчларидан бирини адо этганидан ўзимни жудам бахтли ҳисоблайман. — Исломининг шу икки муқаддас гўшаси — Маккаю Мадинада Аллоҳга илтижо этилади. Сир бўлмаса айтинг-чи, Сиз худодан нималарни кистаб тиловат қилдингиз? — Одам борки, билиб-билмай хато қилади, бировларнинг кўнглини ранжитади, гуноҳларга ботади... Мөн, энг аввало, тавба-тазарру қилиб, нотўғри ташлаган қадамларим, нотўғри ишларим учун кечирим сўрадим. Юртимиз, халқимиз олдида турган ҳозирги мураккаб, чигал муаммоларни ечишимизда, мустақиллигимизни мустақамлашда ўзинг раҳнамо бўл Худо, дея илтижо қилдим. — Ҳажга бориб келган одам, албатта, ўзгараркан. Сиз ана шу ўзгаришни ҳис қилаёйсизми! Умуман, таассуротларингиз қандай! — У муқаддас жойларда бўлганимизда юрагим ажабдан энтикди, кўзларимга беихтиёр ёш келди. Бу — улугъ мўъжиза, бу — поклашиш! Таассуротларимни сўзлаб беришга тилим ожизлик қилади. Кейин уни тўлиқ англай олганимча ҳам йўқ, бунинг учун вақт керак. Сизни ҳам, Анваржон, Маккаю Мадинага боришган бошқа дўстларимизни ҳам ҳозир худди ана шу ҳолатда, деб ўйлайман. — Ҳажга келсак, бошқаларни билмайман-у, ammo мөн уни ҳозирдан ҳазил билмайман: иромдан янада мустақамланди, юрагимдаги миллий гуррим тагин-да кучайди. Яна бир ишонч пайдо бўлди: ақдоқларимизнинг поймол этилган энг яқин фаилату хислатлари шу яқин ўртада уйғониб, қайта тикланиб, биз ўзбеклар тагин ўз аслимизга қайтамиз! Шуни аққол сезилманки, ҳамма қийинчиликлар тез орда орда қолади ва ўзбекистон жаҳондаги юксак мамлакатлар сафидан ўрин олади. Буни мөн ўз мавқеимни мустақамлаш даридида эмас, балки чин юракдан айтаяпман. Халқимни алдашга ҳаққим йўқ. Агар йўлим нотўғрилигини сезсам, уша пайтнинг ўзидаёқ истеъфога чиқишга тайёрман. — Яна бир қарра таъкидламанки, қийинчиликларимиз орта қолади. Бунинг учун ҳамжиҳатлик, малайча-чўйда ёйбат гаплари йиғиштириш, амал талашига чек қўйиш зарур. — Ҳажнинг гувоҳ бўлингиз, Жиддада, Мадинада қўлаб ватандошларимиз билан учрашдик, суҳбатлашдик. Мени уларнинг қалбидида она заминга бўлган чексиз муҳаббат лол қолди! Ватани ана шу даражада севиш учун уни бир қарра йўқотиш лозимдир, ammo энди бундай қўрилиқ ҳеч бормизнинг бошимизга тушмасин, аксинча, хориқдаги миллатдошларимизиям бевграмизга босиб, улугъ мақсад сари ҳамкорликда қадам ташлайлик! 1992 йил, 14 апрель.



● Ар-Риёд манзараси.

МЕХР КЎПРИГИ МУСТАҚАМЛАНАВЕРСИН

Убекистон Президенти ҳурматли Ислам Абдуғани ўғиллари! — Сизларнинг Саудия Арабистонида бўлганингизга оид видеофильми ҳайрат ва ҳаяжон билан томоша қилдик. Хайбат ўзинини сизлар билан бирга юрагидек ҳис этдик. Сизларнинг мўътабар дароҳ — Маккаю Мадинага ва Мадинага мунавварази зиёрат қилишигизга, айниқса, ҳаммамиз учун муқаддас бўлган Аллоҳнинг уйи — жаҳон зийнати Каъбатуллоҳни тавоф этишингиз орзуларингиз орзуси, бахтларингиз бахтидир. Саудия Арабистони ва ён-атрофдаги мамлакатларда яшаётган ватандошларимиз билан учрашу лаҳзалари ҳамда уларнинг дил сўзларини қўзда ёш ила тингладик ва томоша қилдик. Уч кун давом этган ушбу кўрсатувдан ўзлимизни аниқлаб, қайта туғилгандек бўлдик. Катта руҳий озуқа олиб, покландик. Сизларнинг ташрифингиз мустақиллик шабадидида кўксин тўлиб, тўйиб нафас олаётган ўзбек халқи ва унинг тарихий тақдири учун буюк воқеадир. Илоҳим, мамлакатлараро меҳр кўприги яна кўпаяверсин, мустақамланаверсин. Билол АМИНОВ, тарихи фаnlари номзоди, Илҳом ҚАРИМОВ, фалсафа фаnlари номзоди. Эсон УРИНОВ, республика маданият ҳодимлари малакасини ошириш институти кафедра мудири, Абдувахоб ҚОШИМОВ, саяётушнослик фаnlари номзоди.

Мактублардан сатрлар

Покланиш муборак

Собир Ҳожи НУРМАТ ўғли: Марғилондаги Хонақо масжиди имом хатиби. — Бисмиллоҳир роҳма- нир роҳийм. Мен бутун онгли умримни дин йўлига, пайғамбаримиз жаноби Расул- уллоҳнинг муборак ҳадис- лари, ислом ва маърифат қондалари тарғиботига бағишлаганман. Жумҳурия- миз вакиллариининг Маккаю Мадинага қадам қўйи- ши, Байтуллоҳни тавоф айлаб, зиёрат қилишини ойнав жаҳон орқали кўриб, кўзларимга ёш келди.

Мен юртимизда шўро мафқурасининг темир пан- жалари исканяга олиб тур- ган йилларда минг чигир- дан ўтиб, қатор кўнглисиз суҳбатлардан сўнг ҳаж қи- лишга муяссар бўлганман. Энди бундай ташвишларга, олис йўл азобларига ҳожат қолмади. Буларнинг барча- си мустақиллигимиз — и- стиқлолниинг пок мевалари- дир. Аминжон Ҳожи СОВИР ўғли: — Биз Саудия Араби- стонидаги ватандошларимиз билан бўлган учрашувни ҳаяжон билан кузати- ди. Республикаимиз раҳбария- ти бу борада олиб бораётган хайрли ишлардан бошимиз осмонга етмоқда. Бу ташриф миллатимиз- нинг, жафокаш халқимиз- нинг дунёдаги обрў-эътибори янада ортишига хизмат қи- лади.

ВАТАНДОШЛАР

САУДИЯ Арабистонида ярим миллиондан кўпроқ ва- тандошларимиз яшайди. Улар бу ўлкага тақдир та- қозоси билан Андиякон, Мар- гилен, Қарши, Косон, Бухо- ро, Олтайларик, Фарғона, Тошкент ва бошқа шаҳару қишлоқлардан бориб қолган. Ҳозирда ҳаммаларининг турмуш бадастари, уйли- жойли, неварали-чеварали, бири — давлат арбоби, бош- қаси олиму шоир, яна бир- лари ҳарбий, ишбилармон, тижоратчи... Шунинг таъкидламоқчи- мизки, Саудияда яшовчи би- рорталам ўзбек томонидан ҳеч наънаъанга жиноят содир қилганини йўқ! Улар ораси- дан на иссоавур чиққан, на тиланчи! Ҳар бирининг юзи- дан нур балқиб туради. Уларнинг муомаласига, қи- йинчилигига ҳавасинг келади. Ватандошларимизнинг ҳам- жиҳатлиги, меҳр-оқибати, миллий гурури ҳам бизни лол қолдириди. Улар биз билан дийдор кўришгани Жиддага, Мадинага Саудия Арабистони- нинг турли шаҳарларидан тўп-тўп бўлиб келишиди. Де- легациямиз Жиддада улар шарафига ўзбекиона дастур- хон бади. Сўнгра Ўзбеки- стон Президенти Ислам Ка- римов ватандошларимизни қабул қилиб, икки соатдан кўпроқ суҳбатлашди, ҳар бирига тўну лўппи кийди- ди. Республика Президенти уларга Ўзбекистондаги бу- гунги ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилди, ватандошлари- мизни ўзаро ҳамкорликка ундади. Учрашувда сўз олган Аҳ-

мадали Тўлқин (суратда чапдан биринчи) жумладан шундай деди: — Мустақил Ўзбекистон- нинг жумҳур раиси, кўп қимматли ҳамюртларим! Бу муқаддас тупроққа, подшо ҳазрати олийларига меҳ- мон бўлиб келганингизни эшитиб, кўп севидик. Хуш келибсиз! Президент ҳазратлари, ижозат беринг, сўзимни шундай давом эттирай: Эй, истиқлол қаҳрамони, келинг, Сизни бағримизга босайлик! Бугун миллий гу- руримиз ҳаяжони ила елка- мизга кўтарайлик! Юртимиз, халқимиз ет-



● САУДИЯ Арабистонида истиқомат қилувчи ватандошлар билан учрашув пайти.



«Халқ сўзи» рузномасига маърукаи ҳаёти муносиб...
Уткир Ҳошимов,
апрель, 1992 йил.

МАШҲУР адиб Уткир Ҳошимов «Тушда кечган умрлар» деган янги роман ёзди. Асарда инсон ҳуқуқларини поймол этган, зўравонлик ва қўрқувга асосланган жамият турли одамлар қисматида нақадар аянчали из қолдирганлиги тиниқ ва ҳаяжонли тасвирланади.

ТУШДА КЕЧГАН УМРЛАР


29 сентябрь. «ИЛ-76» самолётни бунчалик катта бўлишини билмаган эганим. Қанор қопта туршак босагандек тинчилар. Биров тик турибди, биров турвасининг устида ўтирибди. Самолётнинг темир «қорни»да чўқнаб ўтирган Хайридин бир нималарни пичирляпти. Оловни эшитилмайди, лаби қимирлаётганини кўриб турибман. Моторнинг гувиллаши қўлоқни қоматга келтиради. Негадир ҳаммаёқ совиб кетди. Юратининг туб-тубида қўрқув лайдю бўлди. «Худо, ўзинг паноҳингда асра!» — дедим униси илтико қилиб. Бир маҳал алданган елкамга туртгандек бўлди. Темир ака! Енимда турган экан. Эътибор бермабман. Қулиб, нимадир деган эди, эшитмадим. Қўлоғимга эгилди бақирди.

— Қўрқма! Бир бошга бир ўлим! Анчадан кейин самолёт пасаа бошлади. Қўлоқларим шангиллаб кетди. Ўша заҳоти дум томонда галаги шувиллаган овоз эшитилди. Самолёт ортидан муттасил мушак отилиб чиқа бошлади. Қўлимиз ўчиб, ҳаммамиз алағ-жалағ бўлиб қолдик. Хайрият, самолёт ҳақон учиб борар эди. (Кейин тушундик: кўни олдидан учувчилар самолётдан ракета чиқарар экан. Мақсад — душман «Стингер»ни чалғитиш; «Стингер» учиб боратуриб «ниссиқ объект» томонга бурларкан. Агар самолётдан ракета отилса, «Стингер» моторга эмас, ўша ракеталарга бориб уриларкан. Худога шукр: омон-эсон қўндик).

Эрга қадам босганим билан Хайридин оғоҳландирди. «Бисмилло» дег, жўра! Бу тупроқда андоқларини эйтибди. Айтганини икхос билан адо этдим. Бунақанги қаттиқ шамолни энди кўришим. Қўйиб берсанг, думалатиб кетади. Ҳаммаёқ чағ-тўзон. Аэродромда самолётлар, вертолётлар қортолшиб кетган. Худди пана-панада душманлар яшириниб олгандек. Автоматни айнан менга ўқитиб тургандек, бошимни ичмага тортидим. Қарасам, бошқа болалар ҳам билаги билан шамолдан кўзини тўсганча, олазарак алағлаб борапти.

«Урал» машиналарига ўтказишди. Қаровн тизилиб йўлга тушди. Индек чўчилиб кетган иланг-биланг йўл гоқ ююрига ўрмалайди, гоқ пастга шўнғийди. Ҳақон шамол гувиллайди. Бир томон яланғоч тоғлар, бир томон — чўл. — Қаранг, жўра, қаранг! Енимда ўтирган Хайридин елкамга туртиди.

Уткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



МАБЛАҒ КЕРАКМИ?
Марҳамат, бемалол!
Уни Сизга биз берамиз

АКЦИЯЛАР
1 000 сўм
10 000 сўм
АКЦИЯЛАР
50 000 сўм
100 000 сўм



«Ўзбек савдо уйи»
ФИРМАСИ

Экспорт-импорт ЛТД
АКЦИЯЛАР

Table with 4 columns of investment options:
1. НОМИ ЕЗИЛГАН ИМТИЁЗЛИ НОМИНАЛ НАРХИ 1 000 сўм
2. НОМИ ЕЗИЛГАН ОДИЙ НОМИНАЛ НАРХИ 50.000 сўм, 100.000 сўм
3. ОДИЙ ТАҚДИМ ЭТУВЧИ УЧУН НОМИНАЛ НАРХИ 10.000 сўм
4. АКЦИЯ ЭГАСИГА ҚУЙИДАГИ КАФОЛАТ БЕРИЛАДИ: молия йили яқунларига кўра курс бўйича 20 фоиз кўшимча тўланади.

АКЦИЯЛАРГА ОБУНА БЎЛИШ
кўтара савдо шартномалари тузиш йўли билан амалга оширилади.
«ЎЗБЕК САВДО УЙИ» томонидан эълон қилинган муддатларда қайтариб берилмаган акцияларнинг биринчи эмиссияси амал қилиш муҳлати
Ўзбекистон Республикаси, 700000, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 24-уй.
Телефонлар: 35-37-90, 34-85-09, 34-64-79, 34-96-31.
Факс: 34-64-50. Телетайп: 11 63 84. Телекс: 11 61 08. РТВ СУ.

«ЎЗБЕК САВДО УЙИ»
ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ФИРМАСИ
шуну маълум қиладики, чиқарилган қимматли қоғозлар миқдори чекланганлиги сабабли уларга «Ўзбек савдо уйи» орқали обуна бўлиш мумкин.
Қимматли қоғозларни Ўзбекистон саноат-қурилиш банки ҳамда «Матбуот уюшмаси» бўлинмаларида тарқатиш ҳақида қўшимча равишда хабар берилади.
Қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:
700000, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 24-уй.
Телефон: 35-37-90. Факс: 34-64-50.
Телекс: 116108 РТВ СУ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй
Тахририятга ҳажми 9 бетдан ортиқ мақолалар қабул қилинмайди. Тошқирланг қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.
Алоқа учун телефон: 33-07-48, Индекс: 64808, Буюртма Г—86.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Анвар ЖУРАБОВЕВ.